

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2024.ТІВ.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВ ФУРКАТ НИГМАТУЛЛАЕВИЧ**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ҲОМИЛА  
ТУҒМА ИММУНИТЕТИНИНГ АДАПТАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.01- Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро -2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Собиров Фуркат Нигматуллаевич**

COVID-19 билан касалланган ҳомиладорларда ҳомила туғма  
иммунитетининг адаптацион механизмлари..... 5

**Собиров Фуркат Нигматуллаевич**

Адаптационные механизмы врождённого иммунитета плода у  
беременных, перенесших COVID-19 ..... 23

**Sobirov Furkat Nigmatullaevich**

Adaptive mechanisms of fetal innate immunity in COVID-19-exposed  
pregnant women ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04.2024.ТІВ.93.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ**

**СОБИРОВ ФУРКАТ НИГМАТУЛЛАЕВИЧ**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛАРДА ҲОМИЛА  
ТУҒМА ИММУНИТЕТИНИНГ АДАПТАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.01- Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро -2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.1.PhD/Tib3265 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жабборов Улугбек Узокович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Каримова Нилуфар Набиджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Зуфарова Шахноза Олимжоновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/30.04.2024. Tib.93.02. Илмий кенгашининг 2024 йил «5» Март соат 13:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 75 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru).)

Диссертация автореферати 2024 йил «17» Февраль да тарқатилди.  
(2024 йил «    » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)



**Д.Т. Ходжиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ш. Ахмедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, DSc, доцент

**Г.А. Ихтиярова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда ҳозирги вақтда бутун инсоният учун хавfli ҳисобланган глобал пандемия камраб олган. Ҳомиладор аёлларда янги коронавирус инфекциясининг кечиши ва унинг эпидемиологияси COVID-19 муаммосининг энг мунозарали ва ўрганилмаган жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда. COVID-19 даврида беморлар организмида кучли яллиғланиш реакцияси бўлган цитокин бўрони келиб чиқади ва бу тромбоз, қон томирларининг яллиғланиши, ҳаётий муҳим органлар учун бошқа муаммоларни келтириб чиқарадиган патологик омил ҳисобланади. «...эпидемия муносабати билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро аҳамиятга эга фавқулотда вазият ва глобал даражадаги хатар даражасини жуда юқори деб баҳоланмоқда...».<sup>1</sup>

Жаҳонда SARS-CoV-2 билан касалланган ҳомиладор аёлларда юқумли жараённинг намоён бўлиши, янги COVID-19 пандемиясини келтириб чиқарган коронавирус инфекцияси ҳақида маълумотлар тўпланган, бу муаммоларни ўрганишнинг долзарблиги ва зарурияти юқори, чунки бу орқали COVID-19 нинг таъсири натижасида ҳомиладорлик пайтида ва туғруқдан кейинги даврда турли хил асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмлари аниқлашга имкон беради. Шунинг учун коронавирус инфекциясига чалинган аёлларда туғруқдан кейинги даврда неврологик бузилишларни тадқиқ этиш керак. COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларни COVID-19 га чалинмаган ҳомиладор аёллар билан таққослаганда, муддатидан олдин туғруқ кўп учрайди, шу билан бирга оналар ўлими ва интенсив терапия бўлимига ётқизиш хавфи ортади. Улардан туғилган фарзандларнинг неонатал бўлимга ётқизилиш эҳтимоли кўпроқ ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳомиладор ва туғруқхонадаги касалликларни эрта аниқлаш, сифатли ташхислаш ва даволаш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда, хусусан, замонавий соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири «иммун тизими касалликлари билан оғриган беморларга юқори технологияли ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...носпецифик касалликларининг шифохонадан кейинги даврдаги кузатувини ташкиллаштириш...»<sup>2</sup> ни амалга ошириш каби бирламчи вазифалар белгилаб берилди.

Қарорда тиббиётнинг барча соҳаларида замонавий илмий-тадқиқот фаолияти ютуқларини ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимига фаол жорий этиш кўзда тутилган.

<sup>1</sup> World Health Organization. Clinical management of severe acute respiratory infection when COVID-19 is suspected: interim guidance. [https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-\(ncov\)-infection-is-suspected](https://www.who.int/publications-detail/clinical-management-of-severeacute-respiratory-infection-when-novel-coronavirus-(ncov)-infection-is-suspected). Accessed Jan. 20, 2020

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон га биноан «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг йил 2020 йил 19-мартдаги ПФ 5969- сонли «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 23-мартдаги 176-сонли «коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887 сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги, 2020-йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» шунингдек ушбу фаолият соҳасига оид бошқа тегишли норматив ҳужжатлар баён этилган вазибаларнинг бажарилишига маълум даражада ҳисса қўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилди. IV «Тиббиёт ва фармакология».

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Ҳозирги COVID-19 пандемияси соғлиқни сақлашнинг жиддий муаммоси бўлиб, айниқса аҳолининг заиф қатламлари учун хавfli ҳисобланади. Ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар юқори хавф гуруҳи ҳисобланиб, уларда юқумли касалликлар асорати сифатида нафас олиш касалликлари ва неврологик патологиялар кўп учрайди (Wang C. et al., 2020; Schwartz D.A., 2020).

Кўпгина тадқиқотларда ҳомиладор аёлларда инфекцион жараённинг ўзига хос хусусиятлари ва тиббий ёрдамни ташкил этиш, шу жумладан ҳомиладор аёллар акушерлик ёрдамини кўрсатиш, ушбу касаллик билан туғган ва туғаётган аёлларни касалхонага ётқизиш учун кўрсатмалар, этиотроп даво ўтказиш имконияти ва кўрсатмалар муҳокама қилинади (Wu Y, Zhang C, Liu H, et al., 2020; Rayner C., Lokugamage A., Molokhia M., 2020).

Ўзбекистонда турли вирусли инфекциялар, шу жумладан COVID-19 дан кейинги ҳомиладорлик ва туғруқ асоратлари ривожланишининг патогенетик механизмлари маҳаллий муаллифлар томонидан ўрганилмоқда (Абдуллаева Л.М. ва ҳамм.,2019).

Мамлакатимиздаги аксарият олимлар SARS (Severe acute respiratory syndrome)-CoV-2 (Severe Acute Respiratory Syndrome, Coronavirus-2) билан касалланган ҳомиладор аёллардаги юқумли жараённи, шунингдек, COVID-19 пандемиясининг ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврга таъсирини ўрганиш устида ишламоқда (Насритдинова Ш.И., Ихтиярова Г.А. и соавт., 2021).

COVID-19 ни бошидан ўтказмаган ҳомиладор аёллар билан таққослаганда, ушбу касалликка чалинган аёлларда ўлими эҳтимоли ошган (Ош=2,85, (1,08-7,52)), реанимация бўлимида касалхонага ётқизиш зарурати (Ош=18.58, (7.53-45.82)) ва эрта туғруқ (Ош=1.47, (1.14-1.91)). Neonatal Интенсив неонатал терапия бўлимида касалхонага ётқизиш эҳтимоли

(Ош=4.89, (1.87-12.81)) COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган болаларда, COVID-19 бўлмаган болаларга нисбатан юқори эди (Щеголев А.И. с соав.,2019).

Ҳозирги вақтда COVID-19 ни бошидан кечирган ҳомиладор аёлларда ҳомила туғма иммунитетини ҳақидани маълумотлар тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва бундай аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ асоратларининг олдини олишга қийинчилик туғдиради. Адабиётларда ушбу соҳадаги баъзи тадқиқотлар ҳақида маълумотларга кўра ҳомила иммун тизимининг ҳолати, иммуноглобулин миқдори ва COVID-19 дан кейин сақланиб қолган цитокин профили ҳақида маълумотлар етарли эмас. Ҳомиланинг адаптив механизмларини ўрганиш ҳомиладорлик даврида COVID -19 га қарши иммунитет тизими рағбатлантириш учун ҳам зарур.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро Давлат тиббиёт институтининг 05.2021 PhD 117 «COVID -19 дан кейин Бухоро вилояти аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга мўлжалланган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» 2022-2026 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси асосида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юқори фетал технологияларидан фойдаланган ҳолда, касалликнинг клиник кечишига қараб, COVID-19 ни бошидан кечирган ҳомиладор аёлларда ҳомила туғма иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш;

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда постковид даврининг кечишини ва бу инфекциянинг уларнинг акушерлик натижаларига таъсирини таҳлил қилиш;

COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг доплерографик параметрларини баҳолаш;

COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда кордоцентез йўли асосий ҳомила иммуноглобулинларни аниқлаш;

коронавирус инфекциясини юқтирган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг цитокин ҳолатини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти.**

Тадқиқот иши учун 2021 ва 2022 йилларда Республика перинатал марказида касалхонага ётқизилган COVID-19 нинг ўрта ва оғир кечиши билан ҳомиладорликнинг II ва III триместридаги 60 та ҳомиладор аёлларда ўтказилган кордоцентез амалиётинини ўрганиш натижалари таҳлили келтирилган. Ҳомиладорликнинг иккинчи триместридаги 10 соғлом ҳомиладор аёллар билан назорат гуруҳи ташкил этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида ҳомиладорликнинг иккинчи ва учинчи триместрида COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда трансабдоминал кордоцентез орқали ҳомила киндик венасидан олинган қон олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник инструментал (доплерометрия ва трансабдоминал кордоцентез), иммунологик (ҳомила киндик венасидан олинган қон орқали иммуноглобулинларни текшириш) ва далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари ва асосларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотнинг статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда илк маротаба, касаллик кечиш оғирлигига кўра ҳомиланинг туғма гуморал иммунитетини кўрсаткичлари аниқланган;

COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомиладорликнинг турли даврларида ҳомиланинг асосий иммуноглобулинлар кўрсаткичлари аниқланган;

коронавирус инфекциясининг оғир даражасини ўтказган ҳомиладор аёллардаги ҳомиланинг цитокинлар харитаси асосланган;

COVID-19 оғир кечишида ҳомиладорликнинг II ва III триместрда ҳомилада IL -18, IL- 1  $\beta$ , IL-11, IL -4 ва 6 миқдорининг кескин ошишиш, уларнинг назорат гуруҳидан 9 барабар юқорилиги, ҳомилада аутоиммун жараёнлар оқибатида тўқималар шикастланиши ва муддатидан олдин туғруқлар кузатилиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида ҳомиланинг иммунологик реакцияси натижаси бўлган IgG ва IgM сабабли ҳомила томонидан иммуноглобулинлар синтези кучаяди. Ҳомилада IgG нинг кўпайиши онадаги инфекциясининг аксидир, унда онанинг ўзига хос иммунитетини шаклланади ва IgG плацента тўсиғига кириб боради;

COVID-19 билан касалланган оналарнинг ҳомилаларида прояллиғланиш ва яллиғланишга қарши медиаторлар даражаси ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар сезиларли даражада ошади. Бундан ташқари, патологик жараён динамикасининг турли босқичларига тегишли цитокинларнинг кўпайиши ҳомиланинг бачадондаги антиген стимуляциясини баҳолашга имкон беради;

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомила иммунологик белгиларига асосланган ҳомиланинг туғма иммунитетини ва ҳомиладорлик асоратлари ривожланишининг прогностик иммунологик мезонлари ишлаб чиқилган ва амалий соғлиқни сақлашга жорий этилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқот замонавий, бир-бирини тўлдирувчи гинекологик ва статистик тадқиқот усуллариининг тўғри қўлланганлиги, шунингдек беморлар сонининг етарлили миқдори, тадқиқот материаллари статистик усулларда қайта ишланганлиги, олинган натижаларнинг мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотлари билан солиштирилганлиги, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади. Бундан ташқари, барча натижалар далилий тиббиёт принципларига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, келажақда республикада коронавирус инфекциясини юқтирган ҳомиладор аёлларда

турли хил асоратларни шаклланиши бўйича чуқур тадқиқотлар ўтказиш учун назарий ва амалий билимлар даражасини кенгайтиришдан иборат.

Коронавирус инфекциясини чалинган ҳомиладор аёлларда COVID-19 оғир даражаси бўлган ҳолатда ҳомила қонида назорат гуруҳидаги II ва III триместрдаги аёллар ҳомиласига нисбатан IgG 2,3 баробар ва IgM 2 баробар юқори бўлади. Ҳомилада IgG нинг кўпайиши она томонидан юқтирилган инфекциянинг акси эканлиги аниқланди, чунки IgG ҳомилаг плацента тўсиғи орқали кириб боради. Ҳолбуки, IgM нинг ошиши ҳомиланинг ўз нонспесифик гуморал иммунитетининг фаоллашишини кўрсатади.

COVID-19 ни турли шакллари бошидан ўтказган ҳомиладор аёлларнинг ҳомилалари иммун тизимининг функционал ҳолатидаги ўзгаришлар, иммуноглобулинлар ва цитокинларнинг фаоллиги ва уларнинг муносабатлари ҳомилада ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиб берди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, натижаларни талқин қилишда услубий ёндашувлардан фойдаланилган, турли хил бузилишлар аниқланди, шунингдек коронавирус инфекциясига учраган ҳомиладор аёлларда иммунологик параметрлар, гуморал ва хужайравий ҳомила параметрларда ўзгаришлар пайдо бўлиши аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Трансабдоминал кордоцентез каби юқори технологияли фетал операциялар ёрдамида коронавирус инфекциясини бошдан кечирган ҳомиладор аёлларда перинатал натижаларни яхшилаш учун олинган илмий натижаларга асосланиб, ишлаб чиқилган ва амалга оширилган:

«COVID-19 ни бошидан ўтказган ҳомиладор аёллар ҳомиласида гуморал иммунитет кўрсаткичлари» номли услубий тавсиянома (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 09.01.2023 йилда №8н-р/47 сон хулосаси билан тасдиқланган) услубий тавсия тасдиқланди. Ушбу услубий тавсиялар COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда ҳомила гуморал иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш ва бошқарув тактикасини аниқлаш, юқори хавф омиллари ҳисобланган ҳомиладорлик асоратларини камайтириш имконини беради.

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда перинатал натижаларни яхшилашга қаратилган тадқиқот натижалари амалий соғлиқни сақлаш соҳасида, шу жумладан республика перинатал маркази, Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоят перинатал марказининг ҳомиладор аёллар патологияси бўлими амалиётида жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 10.01.2023 йилдаги № 8 н-д/27 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари биринчи марта фетал технологияларини жорий этиш, шунингдек, COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг адаптив механизмларини ўрганиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларидаги илмий янгиликлар хулоса қилинганда, Республика Перинатал маркази буйруғи билан (01.02.2023 й № 22 и-и/1) Тошкент шаҳар ва Бухоро вилоят перинатал марказида амалиётга татбиқ

этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагилардан иборат: COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг туғма гуморал ва ҳужайравий иммунитет, онада COVID-19 оғир даражаси бўлган ҳолатда ҳомила қонида IgG ва IgM, кўрсаткичлари, перинатал асоратларнинг прогнози ва олдини олиш учун хизмат қилади.

Шу билан бирга ҳомиладорликнинг II триместрда COVID-19 оғир кечишида ҳомилада сезиларли даражада IL-18 9 баробарга ва IL-1  $\beta$  11 баробарга ошди ва ҳомилада IL-4 ва IL-6 нинг таркиби назорат гуруҳининг маълумотлари билан таққослаганда 4 ва 2,65 баравар ошиши аниқланди, бу эса янги туғилган чақалоқла иммун статуси бузилишларини комплекс медикаментоз даволашга хизмат қилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагилардан иборат: амбулатория шароитида COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг туғма иммунитетини кўрсаткичларини ўрганиш ва касалхонага ётқизиш учун пулни тежаш харажатлари: 1 кунлик касалхонада ётиш учун тўлов миқдори 223 500 сўм; (1 бемор учун умумий иқтисодий самарадорлик 447 000 сўмни ташкил етди). Хулоса: COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг туғма ҳужайравий иммунитетини кўрсаткичларини аниқлаш лаборатор текширувлар ўтказилганда ҳар бир бемор учун тежалган бюджет маблағи 447 000 сўм ва бюджетдан ташқари маблағлар 269 000 сўмни ташкил этди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «COVID-19 ни ўтказган ҳомиладорларда ҳомила туғма иммунитетининг адаптацион механизмлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 7 январ 04/8475 - сон хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та жумладан 2та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан, 8 та мақоланинг 6 таси республика, 2 таси эса Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда чоп этилган. Бундан ташқари 3 та тезис ( барчаси халқаро) ҳам чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар, амалий тавсиялар, 151 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан (улардан 32 таси рус тилида ва 119 та чет эл адабиётлари) иборат. Диссертация ҳажми 119 бетдан иборат. Тадқиқот ишида 12 та жадвал ва 6 та расм келтирилган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланади, вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий

янгилик тавсифланади ва тадқиқотнинг амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилигини асослайди, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб беради. Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, ишнинг апробация натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича материаллар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёллар ҳомиласида туғма иммунитет ҳолати тўғрисидаги замонавий қарашлар (адабиётлар таҳлили)»** бобида сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган булиб унда муаммонинг ҳозирги ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинади. SARS-CoV-2 билан касалланган ҳомиладор аёлларда она ва ҳомиланинг иммун реакцияларига, ҳомиладор аёлларда SARS-CoV-2 инфекцияси фонида цитокинларга, ҳомиладор аёл ва ҳомила организмдаги иммуно-патогенетик ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳомиладорлик пайтида SARS-CoV-2 инфекцияси биринчи навбатда онанинг ўзига хос яллиғланиш реакцияларини периферияда яъни она ва ҳомила чегарасида келтириб чиқаради ва бу Т ҳужайралари ва макрофаглар томонидан тартибга солинади. Онадаги SARS-CoV-2 инфекцияси, шунингдек, неонатал қон оқимидаги цитокин реакцияси билан ҳужайравий иммунитет репертуарини шикастлайди. Бундан ташқари, ҳомиладорлик даврида SARS-CoV-2 инфекцияси плацентада ҳомила яллиғланиш реакцияларига таъсир қилмади ва киндик қонида IgM даражасини кўтармади. Зарарланган аёлларнинг плаценталарида SARS-CoV-2 аниқланмади ва ушбу вирус плацентанинг гестериллигига таъсир қилмади. Ушбу тадқиқотда SARS-CoV-2 натижасида она ва ҳомилада бўладиган иммун жавоб ҳақида фикр юритилади ва яна бир бор плацентада инфекция учраш эҳтимоллиги камлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг **« COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларни текшириш материаллари, усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, предметлари ҳамда унда қўлланиладиган статистик усуллар келтирилган. Тадқиқот иши Республика перинатал марказида (директор – т.ф.д. Уринбаева Н.А. ) ўтказилди. Ҳомиладорлик патологиясининг давомийлиги ва частотаси натижаларини ўрганиш учун COVID-19 ўтказган ва патология бўлимларида даволаниш учун касалхонага ётқизилган 4966 та ҳомиладор аёлларнинг туғруқ тарихи ва 2021-2022 йилларда турли хил ташхислар билан Республика перинатал марказидаги туғруқлар таҳлили ўтказилди.

РПМга туғруқ учун қабул қилинган аёлларнинг туғруқ тарихини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аёлларнинг 387 нафари (7,8%) ҳомиладор бўлган ва турли оғирликдаги коронавирус инфекцияси билан касалланган. Улардан 92 нафар аёл (23,8%) биринчи триместрда касал бўлган, 193 ҳомиладор аёл (49,9%) иккинчи триместрда коронавирус инфекцияси зарарланган, қолган 102 нафар (26,3%) ҳомиладор аёллар учинчи триместрда COVID-19 билан касалланган. Вазифаларни ҳал қилиш учун тадқиқот бир неча босқичда ўтказилди:

Тадқиқотнинг I-босқичида олдинги ҳомиладорлик натижаларини, соматик, акушерлик ва гинекологик анамнез маълумотлари, коронавирус

инфекцияси ва ушбу касалликнинг хусусиятларини ўрганиш билан анамнез йиғилган. Барча ҳомиладор аёлларга терапевт билан маслаҳати берилган. Акушерлик текшируви ва лаборатор текширув усуллари - қон ва сийдик умумий таҳлили, онанинг қон гуруҳи ва резус, қон биокимёси ва коагулограмма ҳам ўтказилади. Ушбу анализлар ҳомиладорлик даврида динамик кузатиш мақсадида такрорланган.

Тадқиқотнинг II босқичида ҳомила ривожланишининг прогностик мезонларини аниқлаш учун коронавирус инфекцияси бўлган ҳомиладор аёлларда ҳомила УТТ-доплерометрия каби инструментал ва функционал текширувларлар ўтказилди. Шунингдек, беморнинг ёзма розилигидан сўнг, II ва III триместрдаги баъзи ҳомиладор аёллар ҳомиласининг киндик венасидан қон олиш учун трансабдоминал кордоцентез ўтказилди. Ушбу босқичда касалликнинг пайдо бўлиш вақти ҳам ҳисобга олинган, яъни ҳомиладор аёл ҳозирги ҳомиладорлик пайтида қайси триместрда касал бўлганлиги аниқланди.

III босқичда лаборатор-иммунологик текширувлар ўтказилди. Тадқиқот материали COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда трансабдоминал кордоцентез ёрдамида олинган ҳомила қон зардоби хизмат қилди. Биологик суюқликлардаги асосий иммуноглобулинлар ва цитокинлар даражасини аниқлаш «Human», Германия 2020 тижорат синов тизимлари орқали иммунофермент усули ёрдамида амалга оширилди. Синов тизимлари сендвич усулига асосланган бўлиб, қаттиқ фазада иммунофермент анализи учун индикатор ферменти сифатида хрен пероксидазасидан фойдаланилди. Тўпламлар периферик қон зардобиди ва биологик суюқликларда инсон цитокинларини миқдорий аниқлаш учун мўлжалланган. Ҳар бир чуқурчадаги оптик зичлик «Stat-Fax» (АҚШ) анализаторида орқали иммуноферментн анализ ёрдамида 450 нм тўлқин узунлигидаги микропланшет учун автоматик фотометр ёрдамида ўлчанди.

Коронавирус инфекциясининг оғирлигига қараб, ҳомиладор аёллар 3 гуруҳга бўлинди (1-расм):


1-гуруҳ касалликнинг енгил даражаси билан оғриган 199 (51,4%) нафар аёлдан иборат;

2-гуруҳ касалликнинг ўрта оғир шакли билан касалланган 167 нафар (43,2%) аёлдан иборат;

3- гуруҳ касалликнинг оғир шакли билан касалланган 21 (5,4%) та аёлдан иборат;

Анамнезда ўткир ёки оғир касалликлар ва ҳолатлар, мия қон айланишининг динамик бузилишлари, қон айланиш етишмовчилиги, юрак нуқсонлари, қандли диабет, обструктив ўпка касалликларининг мавжудлиги тадқиқотлардан четлатиш мезонлари бўлиб хизмат қилди ва улар тиббий сабабларга кўра ҳомиладорликни тўхтатиш учун кўрсатма бўлган. Ҳомиланинг антенатал ўлими ва кўп ҳомиладорлик ташхиси қўйилган ҳомиладор аёллар ҳам тадқиқотдан четлаштирилди. COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг 22-36 хафталаарида трансабдоминал

доплер текширув учун 3,5 Гц конвекс датчикли эксперт класс VOLUSON E9 (АҚШ) фирмасининг УТТ аппарати оркали текширувдан ўтказилди.



#### **COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда касалликнинг ogirлик даражалари таҳлили (%).**

Трансабдоминал кордоцентез ҳомиладорликнинг 22-34 хафталигидаги ҳомиладор аёлда «эркин қўл» усули билан «VOLUSON-E9» замонавий ультратовуш аппарати ёрдамида битта игна техникаси ёрдамида амалга оширилган. Бунинг учун «B-Braun» «Spinocan» компаниясининг 22G, узунлиги 88 мм бўлган пункцион игнаси ишлатилган. Жараён олдида жарроҳлик майдонини стандарт қайта ишлаш амалга оширилди. Хомила киндик венасидан қон (1,0 мл) олинган. Шундан сўнг, Республика перинатал марказининг клиник лабораториясида дақиқада 5000 минг марта айлантрилиб центрифугаланди, хомила зардоби музлатгичда минус-22С гача музлатилди. Ушбу процедура беморнинг ёзма розилиги олдиндан олинган ҳолда ogirқисизлантиришсиз амалага оширилди. Трансабдоминал кордоцентез давомида (хорионамнионит, плацента ажралиши, киндикдаги гематома ва киндик томирлари тромбози) билан асоратлар кузатилмаган.

Барча иммунологик тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси инсон иммунологияси ва геномикаси институтининг иммуноцитокинлар лабораториясида ўтказилди. (Инсон иммунологияси ва геномикаси институти директори, академик Т. У. Арипова).

Олинган маълумотлар математик статистика усули билан қайта ишланди. Хусусан, частотани таҳлил қилиш усуллари ( % ), вариацион статистика усуллари (ўртача арифметик (M), стандарт ogirш (σ), standart хато (m) ва бошқалар.), дисперсион анализ (t-мезон), корреляцион таҳлил (жуфт корреляция коэффиценти r). Сезиларли фарқлар  $P < 0,05$ ,  $P < 0,01$ да олинган. Клиник материалларни статистик қайта ишлаш «STATISTICA 10.0» статистик дастурий таъминот тўплами, Epi Info 7.2.2.2 статистик дастурий

таъминоти ва «тиббий тадқиқотларда частота ва омил улушининг ишонч ориалиғини ҳисоблаш» дастурий модули (Stud%) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг учинчи «**Касалликнинг оғирлигига қараб COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларни клиник текшириш натижалари**» бобида коронавирус инфекциясини юқтирган ҳомиладор аёлларнинг частотаси, тузилиши ва перинатал натижалари баҳоланади.

Коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладорлар частотаси ва тузилишини ўрганиш учун биз 2021-2022 йилларда Республика перинатал марказида турли ташхислар билан патология бўлимларига ётқизилган 387 нафар ҳомиладор аёлларнинг туғруқ тарихини таҳлил қилдик.

COVID-19 касалланган беморлари орасида шаҳарда яшовчи 269 (69,5%) ва вилоятда яшовчи 118 (30,5%) ҳомиладор аёллар бор эди. Вилоят аёлларининг асосий улуши Тошкент вилоятига - 192 (71,3%), қолган 77 аёл (28,7%) республиканинг бошқа вилоятларига тўғри келади.

Ёш хусусиятларининг маълумотлари шуни кўрсатадики, таққосланган гуруҳлардаги аёллар асосан фаол репродуктив ёш ҳисобланган 20-34 ёш ориалиғида (80,9%) бўлган. Ёш аёлларнинг минимал сони атиги 2 (0,51%), кеч репродуктив ёшдаги аёллар эса 72 (18,6%) ни ташкил этди.

Коронавирус инфекциясига чалинган аёлларнинг паритети таҳлили шуни кўрсатдики, асосий улуш биринчи ҳомиладорлик билан 134 аёл (34,6%), иккинчи 99 аёл (25,5%) ва 3 ва 4-ҳомиладорлик 44 (11,3%), 5-ҳомиладорлик 11 аёллар (2,9%) тенг бўлган.

COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда тез-тез соматик патологиялар учраган. Хусусан 228 та анемия (58,9%), 88 та (22,7%) сурункали миокардит шаклидаги юрак хасталиғи ва 82 та семириш (21,1%) ҳолатлари қайд этилган.

Биз ҳомиладорлик физиологик кечаётган 80 нафаар аёлда ва COVID-19 ни турли шакллари бошидан ўтказган 20 нафар аёлда бачадон артерияси, миометрийнинг спирал артериялари, киндик артерияси ва мия ўрта артериясида қон оқимини доплер орқали текширдик. Ушбу томирларда қон оқимининг қуйидаги углеродга қарам параметрлари аниқланди: пулсация индекси (PI), систолик-диастолик нисбат (S/D) ва резистентлик индекси (IR). Томирлардаги қон оқимини баҳолаш халқаро Ҳомила Тиббиёти Жамғармаси (FMF) тавсияларига мувофиқ амалга оширилди ( 1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Коронавирус инфекциясига қараб ҳомиладор аёлларда бачадон артериясида доплерометрия натижалари

Гуруҳлар	S/D	PI	IR
Назорат n=20	1,82±0,03	0,66 ±0,04	0,51±0,02
Енгил кечиши n=30	1,87±0,04	0,70±0,02	0,53±0,05
Ўрта оғир кечиши n=30	2,42±0,12*^	0,87±0,03*	0,70±0,04*^
Оғир кечиши n=20	2,74±0,08*^	1,03±0,09*^	0,80±0,03*^o

Изох: -  $p < 0.05$  кўрсаткичларни назорат гуруҳи билан таққослаганда,  $\wedge$  энгил кечиши гуруҳи билан таққосланганда,  $^{\circ}$ -ўрта оғир кечиши гуруҳи билан таққосланганда

Касаллик оғир кечаётган гуруҳдаги S/D -  $2,74 \pm 0,08$  ни, PI -  $1,03 \pm 0,09$  ва IR -  $0,80 \pm 0,03$  ни ташкил этди ва кўрсаткичларни назорат гуруҳи билан таққосланди ( $p \leq 0,05$ ). Касалликнинг энгил даражаси кечаётган аёлларда кўрсаткичлар мос равишда S/D -  $1,87 \pm 0,04$ , PI -  $0,70 \pm 0,02$  ва IR  $0,53 \pm 0,05$  ни ташкил этди;

COVID-19 нинг ўрта оғирликдаги кечиши кузатилаётган аёлларда мос равишда ушбу кўрсаткичлар  $2,42 \pm 0,12$ ;  $0,87 \pm 0,03$  ва  $0,70 \pm 0,04$  ( $p \leq 0,05$ ) кайд этилди ( 2- Жадвал).

COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёллар киндик артериясида S/D, PI ва IR - соғлом аёлларга қараганда сезиларли даражада ошди, инфекция оғирлигига қараб касалликнинг энгил кечиши мос равишда  $2,44 \pm 0,02$ ,  $0,79 \pm 0,01$  ва  $0,57 \pm 0,03$ , ўртача кечишида  $3,37 \pm 0,16$ ,  $1,05 \pm 0,08$  ва  $0,88 \pm 0,06$  ва оғир кечишида  $3,41 \pm 0,01$ ,  $1,09 \pm 0,05$  ва  $0,99 \pm 0,03$  ( $p \leq 0,05$ ) ни ташкил этди.

## 2-жадвал

### Ҳомиладор аёлларда инфекциянинг оғирлигига қараб ҳомиланинг киндик артериясида доплерометрия натижалари

Гуруҳлар	S/D	PI	IR
Назорат n=20	$2,40 \pm 0,01$	$0,77 \pm 0,03$	$0,55 \pm 0,04$
Энгил кечиши n=30	$2,44 \pm 0,02$	$0,79 \pm 0,01$	$0,57 \pm 0,03$
Ўрта оғир кечиши n=30	$3,37 \pm 0,16^*$	$1,05 \pm 0,08^{\wedge}$	$0,88 \pm 0,06^{\wedge}$
Оғир кечиши n=20	$3,41 \pm 0,01$	$1,09 \pm 0,05^{\wedge}$	$0,99 \pm 0,03^{\wedge \circ}$

Изох: -  $p < 0.05$  кўрсаткичларни назорат гуруҳи билан таққослаганда,  $\wedge$  энгил кечиши гуруҳи билан таққосланганда,  $^{\circ}$ -ўрта оғир кечиши гуруҳи билан таққосланганда

Шуни таъкидлаш керакки, COVID-19 оғир шаклидан ўтган нафар аёлда ҳомиладорликнинг турли даврларида киндикдаги қон оқимининг критик ҳолати кайд этилган, бу охирги диастолик қон оқимининг нол ёки салбий қийматлари мавжудлигидан далолат беради, шунинг учун биз S/D ҳисобламадик. Ҳисоб-китобларда фақат IR ( $1,01 \pm 0,07$ ) и PI ( $1,06 \pm 0,03$ ) аниқланди.(3- жадвал).

Ҳомиладор аёлда энгил COVID-19 бўлишига қарамай, назорат гуруҳига нисбатан ҳомиланинг мия ўрта артериясида сезиларли ўзгаришлар аниқланмади ( $p > 0,05$ ). Ҳамма натижалар COVID-19 ўтказган аёлларда ҳомила танасида қон айланишининг компенсацион марказлашувига ишора қилади.

## 3-жадвал

### Инфекциянинг оғирлигига қараб ҳомиладор аёллар ҳомиласининг мия ўрта артериясида доплерометрия натижалари

Гуруҳлар	S/D	PI	IR
Назорат n=20	$3,53 \pm 0,03$	$1,33 \pm 0,04$	$0,80 \pm 0,05$
Энгил кечиши n=30	$3,38 \pm 0,04$	$1,42 \pm 0,03$	$0,78 \pm 0,04$

Ўрта оғир кечиши	n=30	4,02±0,02*	1,66±0,01*	0,91±0,01
Оғир кечиши	n=20	2,81±0,01* <sup>^o</sup>	1,11±0,05*	0,62±0,03* <sup>^o</sup>

Изох: -  $p < 0.05$  кўрсаткичларни назорат гуруҳи билан таққослаганда <sup>^</sup> энгил кечиши гуруҳи билан таққосланганда, <sup>o</sup> - ўрта оғир кечиши гуруҳи билан таққосланганда

Ушбу инфекцияни юқтирган аёлларда патологик ўзгаришларнинг динамикаси аниқ кўринишга эга. Шундай қилиб, COVID-19 ўтказилганда, бачадон-плацента қон айланиши энгил даразад бузилади ва ҳомила қон оқими деярли ўзгармайди, фақат ёмонлашиш тенденциясига эга бўлади. COVID-19 билан касалланганда ҳомила-плацента қон айланиши ҳам ўртача шаклда камаяди, шу билан бирга ҳомиланинг муҳим органларига (шу жумладан унинг миясига) қон таъминоти сақланади. COVID-19 ни оғир шаклини бошидан ўтказган аёлларда, терминал томир ўзанида диастолик қаршилиқ диастолик перфузия босимидан ошиб кетганда ва ҳомиланинг периферик қон томир спазми максимал қийматларга етганда, ҳомиланинг компенсатор имкониятлари тугайди: киндик артериясидаги қон ҳолати ва мия ўрта артерияларида қон оқими критик ҳолатга келиб қолади, бу эса ҳомиланинг антенатал ўлимига олиб келади.

Коронавирус инфекциясининг оғирлигидан қатъи назар, ҳомиладор аёлларда бачадон-плацента қон айланишининг прогрессив пасайиши кузатилади. Ҳомила-плацента қон айланишининг ёмонлашиши бачадон-плацента перфузиясининг пасайиши билан параллел равишда содир бўлади, касалликнинг энгил шаклида қон айланишининг марказлашуви намоён бўлиши бундан мустасно ҳисобланади. Бачадон-плацента-ҳомила қон айланиши бузилишининг энг сезгир кўрсаткичи ўрганилаётган томирларда қаршилиқ индексининг ошиши ҳисобланади.

Ҳомиланинг қон оқимини доплер билан ўрганиш ҳомиланинг бачадон ичида йўқотилишини кардиотокографиядан биров олдинроқ аниқлашга имкон беради.

Ҳомиладорлик даврида COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларни 177 таси касалхонага ётқизиш қайд этилган, бу 45,7% ни ташкил қилган. Шунини таъкидлаш керакки, COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг анамнезида перинатал йўқотишлар 19 (4,9%) ҳолатда аниқланган.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмидаги асоратлар орасида ривожланмаган ҳомиладорлик кўпинча 49 (12,6%) аёлларда, коронавирус инфекцияси билан касалланиш 44 (11,3%) ҳомиладор аёлларда, ўз-ўзидан ҳомила тушиши ва ҳомиладор аёллар тиббий аборт 39 (10,0%) ҳолатда қайд этилган. COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида учрайдиган асоратлар орасида энг кенг тарқалгани эрта туғруқ бўлиб, бу 13,7% ни ташкил этди. 18,3% ҳолатда оғир преэклампсиянинг юқори даражаси кузатилиши алоҳида еътиборга лойиқдир. Оғир преэклампси оғир COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда энгил шакл билан касалланган гуруҳга қараганда 1,67 кўп учрайди. Коронавирус инфекциясининг ҳар хил шакли бўлган барча гуруҳларда оператив туғруқ частотаси сезиларли даражада фарқ қилмади.

COVID-19 билан касалланган аёллардан жами 387 бола туғилди, улардан 199 нафари биринчи гуруҳда, 167 бола иккинчи гуруҳда ва 21 янги туғилган чақалоқ учинчи гуруҳда эди. Уч гуруҳда ҳам эгизак ёки уч эгизак йўқ эди. Касалхонамизда пенинатал ўлим ҳолатлари бўлмади.

Диссертациянинг тўртинчи « COVID-19 ўтказган ҳомиладор аёлларда ҳомила туғма гуморал иммун тизимиининг адаптив механизмларидаги ўзгаришларни баҳолаш» бобида биз II ва III триместрда COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда юқумли жараённинг ўртача ва оғир шаклида ҳомиланинг асосий иммуноглобулинлари А, М, G нинг кўрсаткичлари берилган. COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллар ҳомиласининг туғма цитокин тизимидаги ўзгаришлар ҳам баҳоланди (4- жадвал).

4-жадвал

**COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда акушерлик натижалари**

	Енгил кечиши COVID-19 (n=199)		Ўрта оғир кечиши COVID- 19 (n=167)		Оғир кечиши COVID-19 (n=21)	
	абс	%	абс	%	абс	%
Эрта туғруқ 22-28 ҳафта	0	0	1	0,59	1	4,77
Эрта туғруқ 28-36 ҳафта	30	15,0	18	10,7	3	14,2
Тезкор туғруқ	169	84,9	158	94,6	17	80,9
Кесарча кесиш	71	35,6	62	37,1	10	47,6
Туғруқни қўзғатиш	14	7,03	10	5,98	0	0
Туғруқ стимуляцияси	4	2,01	2	1,19	0	0
Оғир Презклампсия	34	17,0	31	18,5	6	28,5
Бачадондаги чандиқ	46	39,7	31	18,5	2	9,52

Тадқиқотда Республика перинатал марказида ҳомиладор аёллар патологияси бўлимида стационар даволанган 60 нафар 24-34 ҳафтали ҳомиладор аёл иштирок этди. Ҳомиладорлик пайтида барча ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг иммун ҳолати баҳоланди.

I гуруҳ – (назорат) - ҳомиладорликнинг иккинчи триместрида физиологик ҳомиладор ва оғир акушерлик ва соматик тарихга эга бўлмаган ҳомиладор аёллар (n=10),

II гуруҳ (асосий)- COVID-19 ўтказган 22 дан 28 ҳафтагача бўлган даврдаги ҳомиладор аёллар (n=30).

III гуруҳ (асосий)- COVID-19 ўтказган 29 дан 36 ҳафтагача бўлган даврдаги ҳомиладор аёллар (n=30).

Тадқиқот натижаларини ҳомиладорликнинг учинчи триместрида таққослаш учун биз адабиёт маълумотларидан фойдаландик, чунки улар чет эл адабиётларида жуда яхши ёритилган.

Асосий гуруҳдаги ҳомила қон зардобдаги IgG ўртача миқдори  $10,52 \pm 1,41$  г/л ни ташкил этди ва бу сезиларли даражада яъни 1,3 баравар кўпдир, бу COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёл фониди гуморал иммунитетнинг ушбу белгисининг ошганлигини кўрсатади. Назорат гуруҳидаги IgG нинг ўртача концентрацияси  $88,04 \pm 0,11$  г/л га тўғри келади. Шунини таъкидлаш керакки, асосий гуруҳдаги IgG нинг максимал қиймати  $26,98$  г/л, минимали эса  $2,51$  г/л ни ташкил этди. Гуруҳдаги жуда катта қийматлар диапазони кўринади, бу ҳомила иммун тизимининг индивидуал иммунореактив хусусиятлари билан боғлиқ. Эҳтимол, чақалоқ онанинг IgG ортиши билан туғилади (5-жадвал).

#### 5-жадвал

##### Ҳомиладаги асосий зардоб иммуноглобулинлари, (M±m)

Кўрсаткич M±m, г/л	Асосий гуруҳ (n=60)	Назорат гуруҳи (n=10)	Фарқларнинг ишончлилиги
IgG	$10,52 \pm 1,41$	$8,04 \pm 0,11$	$p < 0,05^*$
IgA	$1,25 \pm 0,03$	$1,15 \pm 0,16$	$p > 0,05$
IgM	$1,61 \pm 0,2$	$1,02 \pm 0,11$	$p < 0,05^*$

Бизнинг тадқиқотларимизда асосий гуруҳдаги IgA назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада фарқ қилмаганлиги аниқланди.

Асосий гуруҳдаги IgMнинг ўртача миқдори асосий гуруҳда  $1,61 \pm 0,2$  г/л ни, назорат гуруҳида –  $11,02 \pm 0,11$  г/л ни ташкил этди. IgMнинг максимал қиймати  $4,35$  г/л, минимал қиймати эса  $1,84$  г/л га тенг еди. Назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан қондаги IgM концентрациясининг 1,6 баробар ошиши ҳомиланинг гуморал иммунитетининг эрта фаоллигини кўрсатади.

Бундан ташқари, ривожланишнинг турли триместрларида ва юқумли жараённинг оғирлигига қараб ҳомиладаги асосий зардоб иммуноглобулинларининг таркиби ўрганилди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

